Кафедрадаги ҳар бир ўқитувчи амалий машғулотларни олиб бориш учун керак бўладиган услубий материалларнинг тўплами жойлашган “кейс” га эга. Шунингдек амалий машғулотларини ўтказиш учун ягона методик комплекс ҳам бор.

Ўқитувчиларда барча машғулотлар бўйича тарқатма материаллар тўплами мавжуд.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Жорий, оралиқ ва якуний назорат ўтказиш қандай мезонлар мавжуд?
2. Қандай таълим жараёнини оптималлаштириш усуллари бор?
3. Янги педагогик технологиялар нимадан иборат?

4. Кафедрангизда қўлланадиган иш ўйинлари, уларнинг турлари ва куллашни авзаллиги?
5. Мультимедиа технологиялари, уларнинг имкониятлари қандай?
6. OSCE – ўтқизиш қоидалари?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Азизходжаева Н.Н. Образовательные технологии в деятельности преподавателя высшей школы// Матер. учебно-метод. конф. «Современные технологии обучения : итоги и перспективы» Ташкент, 2003. – С. 49-68.
2. Алявия О.Т, Яковенко В.И., Усманов Р., Скосырева О.В. Современные интерактивные методы обучения и контроля знаний студентов в подготовке врача общей практики. Ташкент, 2004. – 48 с.
3. Алявия О.Т, Яковенко В.И. Положение о проведении OSCE и контрольные задания к нему для студентов отделения «Высшее медсестринское дело»//ж-л «Высшее медсестринское дело», Санкт-Петербург, 2003. - С.28-30.
4. Гадаев А.Г., Будкова Е.А. Объективно-структурированный метод оценки клинических знаний студентов. Метод.рекомендации. Ташкент, 2001.- 21 с.

### **2-Мавзу: Тиббий биологик фанларни ўқитишда ТМИ – педагогик муаммо сифатида.**

#### **Режа:**

1. ТМИни такомиллаштириш шакиллари ва усуллари.
2. ТМИни методик таъминоти.
3. ТМИни назорат қилиш янги шакллари.
4. ТМИни методик қўллаш асослари.

**Таянч иборалар:** мустақил иш, реферат, анимация, график органайзер, презентация, доклад.

#### **Талабанинг мустақил иши**

Фан бўйича ўқув дастурига мувофиқ ТМИнинг мавзуларини аниқлаб, амалий машғулотларнинг календар – тематик режага киритилган.

ТМИни эффе́ктивлигини оширишга назорат принципларини қуйидагилари имкон яратади: мунтазамлик, хамма талабаларни жалб этиш, бутун дастур материалларини жалб этиш, талабаларга дифференциал ёндошиш.

Хар бир талаба фанни ўрганганда ТМИга мўлжалланган, бу иш турига, режалаштирилган соатлар хажмини бажариши лозим.

ТМИни хисобот шакллари –мавзуни химояси билан рефератлар, амалий машғулотларда докладлар, тарқатма турдаги индивидуал бажарган

ишлар, презентациялар ва х.к.

Баҳолар мезонига мувофиқ ТМИнинг баҳоси амалий машғулотда 10 баллик тизимда қўйилади. У машғулотнинг жорий баҳосига қўшилади. Умумий баҳо 100 баллик тизим бўйича рейтинг тизимини – 0,5 коэффиценти билан қўйилади.

ТМИни талаба аудиториядан ташқари бажаради, ўқув дастурига мувофиқ, мавзу танланади. Бу реферат, органайзерлар тайёрлаш, видеофильмлар сценарийларини ишлаб чиқиш, кроссвордлар тузиш, вазият масалалар комплексини, тестларни тузиш.

ТМИнинг хисоботи кафедрада ишлаб чиқиб, тасдиқланган шаклга асосланиб ўқитувчига топширилади.

Кафедра ўқув йили бошида, фан бўйича ТМИнинг вариантларини режалаштиради ва йилнинг бошида талабага ТМИ турлари, мавзулар, топшириқлар хақида батафсил информация берилади. Талабаларга ТМИ турларини танлаш имкони берилади.

#### ТМИни баҳолаш мезони.

№	Рейтинг баллар	Баҳолар даражаси	Талабани билим даражаси
1	2	3	4
1	9,6-10	Аъло «5»	Бажарган иш оригинал, юқори сифатли, инновацион технологияларини қўлланган иш. Химояда талабани юқори билимдонлиги (эрудицияси) аниқланган. Батартиб хужжатлаштирилган.
2	9,1-9,5		Иш сифатли, дастур талабларига мос. Химоя қилганда информатив кўرғазмали, қўлланмалар, янги адабиётлардан ва Интернет манбаларидан фойдаланган.
3	8,6-9		Иш сифатли бажарилган, чуқур мазмунли, қўшимча адабиётлардан фойдаланган. Қўйилган муаммога ижодий ендошган. Яхши документацияланган.
4	8,1-8,5	Яхши «4»	Иш яхши сифатли, ишчи дастурга мос. Доклад қилганда талаба юқори билим ва активликни кўрсатди. Мавзу химоясида мультимедия технологиялардан фойдаланган.
5	7,6-8		Иш ўқув дастурига мос, доклад мавзуси бўйича физиология ютуқлари билан таниш. Саволларни мохиятига тушунади. Сифатли презентациялар тайёрлади.
6	7,1-7,5		Сифати бўйича иш яхши сифатли, саволни мохиятини тушунади. Химояда жавобларни

			асослаб бериши етарлича чуқур эмас.
7	6,6-7	Қониқарли «3»	Иш ўрта даражада. Саволни асосий мохияти баён қилинган. Химояда айрим хатоларга йўл қўйилган ва ишни расмийлаштиришда камчиликлар бор.
8	6,1-6,5		Иш ўрта сифатли. Химояда материални баён этишда хатолар бор. Презентация сифатли эмас. Кўп камчиликлар бор.
9	5,5-6		Ишда жиддий етишмовчиликлар бор, мавзу тўла еритилмаган, доклад қилганда саволни бўш билиши аниқланган. Ишни расмийлаштириш сифатсиз.
10	5,5 ва <	Қониқарсиз «2»	Иш сифатсиз, кўп камчиликлар бор, мавзу еритилмаган. Мавзу бўйича талабани назарий билими қониқарсиз, иш ҳисобга олинмайди.

Талабанинг мустақил иши кафедра архивида руйхатга олинади ва 2 йил мобайнида сакланади.

ТМИ талаба томонидан фаннинг ўқув дастурига мувофиқ мавзуни танлаш асосида аудиториядан ташқари тайёрланади. Мавзулар руйхати намунавий ва ишчи дастурларда тақдим этилган.

#### **Бажаришга режалаштирилган ТМИ ни ҳар хил турлари.**

1. Мавзувий ўқув стендини тузиш.
2. ТМИ мавзуси бўйича реферат тайёрлаш.
3. ТМИ мавзуси бўйича доклад тайёрлаш.
4. ТМИ мавзуси бўйича презентацияни ташкил қилиш ва ўтказиш.
5. Электрон ахборот ташувчилар (Интернет, электрон ўқув) билан ишлаш, презентациялар, анимациялар, докладлар.
6. Замонавий клиник-физиологик текшириш усуллари, янги техника ва асбобларни, илмий ҳажмли технологияларни ўрганиш, ҳисоботларни ёки рефератларни топшириш билан.
7. ТМИ мавзуси бўйича янги ўқув аудитория жадвалларини тайёрлаш.
8. Тарқатиш материални ишлаб чиқиш ва расмийлаштирилган ҳолда топшириш (жадваллар, схемалар, расмлар, графиклар, органайзерлар).
9. Вазият масалалар комплексини ишлаб чиқиш ва топшириш.
10. ТМИ мавзуси бўйича тестларни тузиш.
11. Амалий машғулотларга тажрибалар моделларини тайёрлаш. Ўқитувчи ихтиёрига, мураккаблик даражасига кўра.
12. ТМИ мавзуси бўйича иш ўйинларини тузиш.
13. Машғулот мавзуси бўйича кроссворд тузиш.
14. Машғулот мавзуси бўйича сканвордлар, чайнвордлар, ребуслар ишлаб чиқиш.
15. Илмий адабиёт билан иш олиб бориш (журнал мақолалари, монографиялар, Медлайн бўйича рефератлар ва ҳисоботлар тузиш).

16. Илмий тажриба ўтказишда иштирок этиш, текшириш натижаларига статистик ишлов бериш. Хисобот тайёрлаш.
17. Фан бўйича маъруза ва амалий машғулотларнинг айрим мавзуларини мустақил ўрганиш (экстернат).
18. Инглиз тилида айрим мавзулар бўйича материал тайёрлаш.
19. Амалий кўникмалари бажариши бўйича видеоклиплар тайёрлаш.
20. Мавзу материаллари бўйича анимация презентацияларини тайёрлаш.

### **График органайзери – аналитик информацияни яққол кўрсатиш усули**

График органайзери: - фикрлаш қобилиятини яққол кўрсатиш усули.

У мавзу бўйича янги ассоциатив тасаввурларни фикрлаш жараёнига очиқ ва эркин қиритишга ёрдам беради ва билимларни стимуллайди.

Аналитик ижодий ва систематик фикрлашни ривожлантиради.

Бу бўлимга киритилган:

1. Информацияни таққослаш ва анализ қилиш усуллари.

Вена диаграммаси.

2. Муаммоани ташқиллаштириш, анализ қилиш ва аниқлаш усуллари.

Диаграмма ва схемалар: “Кластер”, “Нима учун?”, “Қандай?”, “Балик скелети”, “Каскад”, “Пирамида”, “Лотос гули”.

### **График органайзер – Кластер.**

Кластер (боғлаш, алоқа) – Ахборот харитасини тузиш – асосий муаммо атрофида барча фикрларни тўплаш.

1. Талабалар кластер тузиш қоидалари билан танишадилар. Аудитория доскаси ёки катта қоғоз марказига асосий калит сўзи ёки 1-2 сўздан иборат мавзу ёзилади.
2. Мавзу билан боғлиқ бўлган сўзлар ва жумлалар калит сўз атрофида кичикроқ доираларда ёзилади ва чизиқлар ёрдамида асосий сўз билан боғланади. Бу кичик доиралардан яна кичикроқ доиралар тарқалади.
3. Муҳокама қилиш учун кластерлар алмашади.

#### **Кластер тузиш қоидалари:**

1. Мавзу бўйича хаёлингизга келган барча хикрларни ёзинг.
2. Орфографияга эътибор берманг.
3. Вақтингиз тугагунга қадар ёзинг.
4. Имкон борича кўпроқ боғлар хосил қилинг.

Мисол: “Марказий асаб системаси” бўлиmidан “Рефлекс” мавзучи бўйича кластер.

### **График органайзер – Вена диаграммаси.**

2-3 аспект олинади, уларнинг умумий хусусиятларини кўрсатиш, таққослаш ва солиштириш учун кўлланилади.

Талабалар Вена диаграммасини тузиш қоидалари билан танишадилар.

Доираларни ўзаро кесишмайдиган қисмлари индивидуал равишда

тўлдирилади.

Талабалар жуфт бўлиб ўз диаграммаларини солиштирадilar ва тўлдирадilar.

2/ 3 доиралар учун умумий бўлган ғоялар шу доиларни кесишган қисмига ёзилади.

Мисол: “Ички секреция безлари” бўлиmidан “Жинсий гормонлар” мавзуси бўйича ВЕННА диаграммаси кўрсатилган.

### **График органайзер – схема “Нима учун?”**

“Нима учун?” схемаси. Муаммони сабабини аниқлайдиган фиклар кетма-кетлиги.

Талабалар “Нима учун?” схемасини тузиш қоидалари билан танишадilar. Якка ёки жуфт бўлиб муоммони яратадilar. “Нима учун?” саволи билан стрелка чизадilar ва унга жавоб ёзадilar. Муоммони асл сабаби аниқланмагунча бу жараён давом этади.

Талабалар кичик гурухларга бирлашадilar, схемаларини солиштирадilar, тўлдирадilar ва умумлаштирадilar.

#### **“Нима учун?” схемасини тузиш қоидалари.**

1. Пиктограмма шакилларини (доира, тўртбурчак) ўзингиз танлайсиз.
2. Фикр ифодалаш схемасини чизиқсимон, спиралсимон ва ҳ.к. ўзингиз танлайсиз (муоммонинг бирламчи ҳолати марказга ёки четга, ўз хошишингиз билан, жойлаштирилади).
3. Изланиш йўналишини стрелка кўрсатади.

Мисол: “Хазм физиологияси” бўлиmidан “Оғиз бўшлиғига сўлакни ажралиши” мавзуси бўйича “Нима учун?” схемаси.

#### **График органайзер – “Балиқ скелети” схемаси.**

“Балиқ скелети” схемаси – муоммони барча тарафларини ҳал қилишга ёрдам беради.

Талабалар схемани тузиш қоидалари билан танишадilar.

Якка ёки жуфт бўлиб скелетнинг юқори “суягида” муоммони бир қисми ёзилади, скелетнинг остида эса, шу муоммога асос бўлган фактлар ёзилади.

Кичик гурухларга бирлашиб схемалар солиштирилади, тўлдирилади ва умумлаштирилади.

Натижалар презентацияси: тўзилган схеманинг презентацияси муоммо ичидаги фикларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодалайди.

Мисол: “Кўзғалувчан тўқималар физиологияси” бўлиmidан “Кўзғалувчан тўқималар” мавзуси бўйича “Балиқ скелети” схемаси.

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. График органайзерлар, уларнинг турлари?
2. Кафедрада мустақил ишни ташкил қилиниши?
3. Тематик хоналарни ташкил қилишдаги асосий талаблар?
4. ТМИни назорат қилиш янги шакллари қандай?

## 5. ТМИни методик қўллаш асослари нимадан иборат?

### Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати:

1. Алявия О.Т., Яковенко В.И. Учебное – методическое пособие «Современные образовательные технологии в учебном процессе по дисциплине нормальная физиология», Т., 2011, 47 с.

2. Муминов Т.А., Даулетбакова М.И. Инновационные технологии в образовательном процессе медицинских ВУЗов. Алматы, 2003. – 144 с.

3. Полат Е.С. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования., М., 2000. – 28 с.

4. Проектирование и планирование педагогических технологий в медицине Учебно-методическое пособие под редакцией проф. Тешаева О.Р. Ташкент.: ТМА, 2010. – 139 с.

5. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Д.П.Хашимова. Способы и средства организации самостоятельной учебной деятельности: Учебно-методическое пособие для студентов. Издание 2-е, дополненное и исправленное. Ташкент, ТГЭУ, 2010. - 115 с.

### ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Дарс жараёнида янги билимларни беришда асосий ўрини нима?

- A) Лаборатория;
- B) Янги мавзу баёни;
- C) Мустақил иш;
- D) Такрорлаш;
- E) Амалий иш.

2. Ўқув материални танлашда қайси принципга риоя қилинади?

- A) Осондан бошлаш лозим;
- B) Талабаларга фақат осон мавзуларни ўтиш керак;
- C) Ўқув материални соддадан-мураккабга томон ривожлантириб бориш;
- D) Ўқув материалнинг мукамаллигини таъминлаш;
- E) Қийинидан бошлаш лозим.

3. Ўқитиш жараёнида назоратнинг ривожлантирувчи функциясини топинг:

- A) Талабаларда барқарор диққатни вужудга келтириш;
- B) Хотирани мустаҳкамлаш;
- C) Ўз-ўзини назорат қилиш ва баҳолаш;
- D) Ҳамма жавоблар тўғри;
- E) Ўз-ўзини назорат қилиш.

4. Ўқитиш методларини танлаш нималарга боғлиқ?

- A) Машғулоти тури ва типига;
- B) Машғулоти мавзусига;
- C) Ўқув материалларининг мантиқий йўналиши, мазмуни ва мустақил иш



характерига;

D) Ўқитувчи билимига;

E) Ўқувчи билимига.

5. Масофадан ўқитиш қандай амалга оширилади?

A) Ўқув адабиётлари орқали;

B) Коммуникацион технологиялар орқали;

C) Компьютер техникаси орқали;

D) Тьюторлар ёрдамида;

E) Ўқув қўлланмалари орқали.

6. Кўникма нима?

A) Шахнинг билим ва кўникмаларига асосланган ҳолда маълум фаолиятни муваффақиятли бажаришга тайёрлиги;

B) Турли хилдаги мураккаб фаолиятни бажаришга тайёргарлик;

C) Маълум иш-ҳаракатнинг қандай бажарилишини тушуниш ва бундай ҳаракатларнинг бажарилиши тартиби билан танишиш;

D) Узоқ вақт давомида такрорлаш натижасида пайдо бўладиган кишининг анланган иш ҳаракатларини бажаришдаги автоматлашган усулидир;

E) Турли хилдаги мураккаб фаолиятни бажарилишини кўзатиш.

7. Малака нима?

A) Маълум иш-ҳаракатнинг қандай бажарилишини тушуниш ва бундай ҳаракатларнинг бажарилиши тартиби билан танишиш;

B) Узоқ вақт давомида такрорлаш натижасида пайдо бўладиган ишининг анланган иш ҳаракатларини бажаришдаги автоматлашган усулидир;

C) Шахнинг билим ва кўникмаларига асосланган ҳолда маълум фаолиятни муваффақиятли бажаришга тайёрлиги;

D) Кишининг амалда қўллаши мумкин бўлган билимларидир;

E) Кишининг амалда қўллаши мумкин бўлган назарий билимларидир.

8. Глоссарий нима?

A) Муайян мавзуга оид атамаларни қамраб олган кичик ҳажмли луғат;

B) Энциклопедик луғат;

C) Педагогик технология талаблари асосида ишланган атамалар луғати;

D) Муайян дарслик ёки қўлланма мазмунига оид атамалар рўйхати;

E) Барча мавзуга оид атамаларни қамраб олган катта ҳажмли луғат.

9. Ўз-ўзини тарбиялаш метод ва усулларига қуйидагилар кириди:

A) Экстенсив, тахминий, методологик, коммуникатив, психологик, ҳамкорликдаги ижодкорлик;

B) Ўз-ўзига кўрсатма бериш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзига ҳисобот бериш;

C) Ўз-ўзини бошқариш, талаба шахсини тушуниш, ўз-ўзини назорат қилиш, ўз фаолиятига ўзи баҳо бериши, муомалада ўзини кўрсата олиш;

- D) ўз фаолиятига ўзи баҳо бериши, муомалада ўзини кўрсата олиш, ўз нутқини тўғри туза олиш ва бошқалар;
- E) ўз нутқини тўғри туза олиш.

10. Педагогик жараённинг вазифаси нималардан иборат?

- A) Билим, кўникма, малака ҳосил қилиш;
- B) Ўқув фанларни мазмунини ўзлаштириб олиш;
- C) Билим бериш, тарбиялаш, ривожлантириш;
- D) Билиш фаолиятини ривожлантириш;
- E) ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзига ҳисобот бериш.

11. Ўқув қўлланмасининг дарсликдан фарқ қилувчи жиҳатини топинг:

- A) Муайян мавзуларни дарсликка нисбатан кенгроқ ёритади;
- B) Улар ўртасида фарқ бўлмайди;
- C) Дарсликнинг дастлабки нусхаси;
- D) Ўқув қўлланма маърузалар матнидан иборат;
- E) Муайян мавзуларни дарсликка нисбатан камроқ ёритади.

12. Олий таълим учун тайёрланадиган электрон дарсликка қўйиладиган талабларни топинг:

- A) Чуқур илмий услубий, юқори сифат ва миқдор кўрсаткичда бўлиши;
- B) Компьютер технологиясига асосланиши, мустақил таълим олишга йўналтирилган, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга мўлжалланган бўлиши;
- C) Ҳар бир машғулотнинг мақсади, мазмуни, амалий машғулотлар, қисқача топшириқлар ва тавсиялар берилган бўлиши;
- D) Айрим мавзуларнинг мазмуни қисқача ёритилган, бирламчи билим олишга қаратилган, назарий ва амалий саволлар, таянч атама ва иборалардан иборат бўлиши;
- E) Мустақил таълим олишга йўналтирилган, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга мўлжалланган бўлиши.

13. Олий таълим учун тайёрланадиган маърузалар тўпламига қўйиладиган талабларни топинг:

- A) Чуқур илмий услубий, юқори сифат ва миқдор кўрсаткичда бўлиши;
- B) Компьютер технологиясига асосланган ўқув-услубий қўлланма, топшириқлар ва тавсиялар берилган бўлиши;
- C) Илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга мўлжалланган;
- D) Айрим мавзуларнинг мазмуни қисқача ёритилган, бирламчи билим олишга қаратилган, назарий ва амалий саволлар, таянч атама ва иборалардан иборат бўлиши;
- E) Мустақил таълим олишга, фанга доир ўқув материали.

14. Интерфаол .... маъносини англатади. Нуқталар ўрнида қолдирилган сўзни топинг:

- A) Кичик гуруҳларга ажратиш;
- B) Гуруҳларда таълим олиш
- C) Таълим олиш учун ўзаро ҳаракат қилиш;
- D) Баҳслашиш;
- E) Ишларни мустақил бажариш.

15. Олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган ўқув машғулотларининг асосий турлари қайси жавобда тўлиқ кўрсатилган?

- A) Маъруза, семинар, Амалий машғулоти, Лаборатория машғулоти, Мустақил иш;
- B) Маъруза, семинар, Амалий машғулоти;
- C) Маъруза, семинар, Мустақил иш, Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти;
- D) Лаборатория машғулоти, Ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти;
- E) Театр, музей, кўргазмаларга экскурсия.

16. Дарсинг технологик харитаси нима учун хизмат қилади?

- A) Ўқитувчи ва талаба фаолияти ҳамда унга тақсимланган вақт меъёрини ҳар бир босқич бўйича тўғри белгилаш;
- B) Машғулоти меъёрида ташкил этиш;
- C) Талабалар фаолиятини фаоллаштириш;
- D) Вақт меъёрини белгилаш, билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун зарур ҳажмни шакллантириш;
- E) Билим ва кўникмаларни эгаллашлари учун.

17. Лаборатория машғулотларининг тавсифи келтирилган жавобни белгилаш:

- A) Талабалар мустақил равишда вазифаларни бажарадилар ёки эксперимент ўтказадилар;
- B) Тематик боғланган мунтазам курс чуқур ўрганилади;
- C) Талабалар мустақил амалий ишларни бажаради;
- D) Билимларни мустақил ўзлаштиради;
- E) Назарий билимларни мустақил ўзлаштиради.

18. Ўқитиш методикаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- A) Бу педагогик технологияга асосланган ўқитиш усули;
- B) Хусусий дидактик ёки таълимнинг хусусий назариясини ўзида намоён этадиган педагогика фанининг тармоғидир;
- C) Бу педагогик технологияга асосланмаган ўқитиш усули;
- D) Бу ўқитувчининг режа асосида иш юритиши;
- E) Бу компьютер технологияга асосланган ўқитиш усули.

19. “Педагогик маҳорат” тушунчаси қайси жавобда тўғри берилган?

- A) Муайян тоифадаги вазифаларни ҳал қилиш имкониятларига эга бўлган

- мутахассиснинг касбий педагогик тайёргарлиги даражаси;
- В) Ўқув машғулоти ташкил этиш шакли бўлиб, унда педагог раҳбарлигида муаммоли вазият юзага келтирилади;
  - С) Педагогик жараёни билиш, уни ташкил эта олиш ҳаракатга келтира олиш, педагогик жараённинг юқори самарадорлигини белгиловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари таҳлили;
  - Д) Ахборот оқимининг шахс томонидан танқиддан холи эркин равишда узатишига эришишни кўзлаган рухий таъсир этиш усули;
  - Е) Ўқув машғулоти ташкил этиш шакли бўлиб, унда педагог раҳбарлигида мустақил иш бажарилади.

20. Ўқитувчининг коммуникатив қобилияти қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А) Талабага бевосита эмоционал иродавий таъсир кўрсатиш қобилияти;
- В) Талабага тўғри муомала қила олиш, уларга яқин бўлиш, улар билан педагогик самарали ҳамкорлик ўрната билиш қобилияти;
- С) Ўқув жараёни тўғри ташкил этиш;
- Д) Муомали маданиятига эга бўлиш, талабаларни тушуниш, улар билан ҳамкорлик қилиш;
- Е) Имо- ишора воситасида ўз фикрини аниқ ва равшан ифодалаш қобилияти.

21. Машғулотнинг анъанавий методларини кўрсатинг?

- А) Оғзаки кўргазмали, ўз-ўзини назорат қилиш методлари;
- В) Кўргазмали, мантиқий, оммавий методлари;
- С) Оғзаки кўргазмали, оммавий, мантиқий, мустақил ишлаш, назорат методлари;
- Д) Мантиқий, ўз-ўзини назорат қилиш методлари, мустақил таълим олиш;
- Е) Билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

22. Машғулот мақсади қандай йўналишларда белгиланади:

- А) 3 йўналишда: таълимий, эстетик, иқтисодий;
- В) 3 йўналишда: таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи;
- С) 2 йўналишда: эстетик, таълимий;
- Д) 3 йўналишда: таълимий ва тарбиявий, ривожлантирувчи, иқтисодий;
- Е) 1 йўналишда: таълимий;

23. Ўқитиш шакллари тўлиқ берилган жавобни топинг:

- А) Маъруза, семинар, амалий, лаборатория машғулотлари, мустақил таълим, амалиёт;
- В) Машғулот, турли саёҳатлар, синфдан ташқари машғулотлар, ҳикоя;
- С) Машғулот, машғулотдан ташқари ишлар, гуруҳда ўтказиладиган машғулот шакллари;
- Д) Машғулотдан ташқари ишлар, экскурсия, синфдан ташқари машғулотлар;
- Е) Турли саёҳатлар, индивидуал машғулот шакллари.

24. Давлат таълим стандарти талаблари асосида фаолият юритиш қандай таълим муассасалари учун мажбурийдир?

- A) Давлат таълим муассасалари учун;
- B) Нодавлат таълим муассасалари учун;
- C) Ўзбекистон Республикасидаги барча таълим муассасалари учун;
- D) Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари тасарруфидаги таълим муассасалари учун;
- E) Ўзбекистон Республикасидаги ўрта махсус таълим муассасалари учун.

25. Берилган жавоблардан авторитар шаклга тегишли жавобни аниқланг:

- A) Ўқувчиларга ишонч билдиради, шахс сифати уларни ҳурмат қилади, аммо талабчанликни сусайтиради;
- B) Ўқитувчи ўқувчиларни ўз ҳолига ташлаб қўяди синфни ўқитувчи эмас, ўқувчилар ўз истаганларича бошқарадилар;
- C) Ўқитувчи ўқувчиларни қаттиққўллик билан уларга мустақиллик бермасдан бошқаради;
- D) Мавқеига кўра ўзаро ҳамкорликка, муросасозликка, барчанинг тенг кучли бошқарувига асосланган;
- E) Ўқувчиларга ишонч билдиради, шахс сифати уларни ҳурмат қилади.

26. Таълим технологияси турларини белгиланг?

- A) Муоммалли, шахсга йуналтирилган, масофавий, модули;
- B) Назарий, амалий, аралаш, мустаҳкамлаш;
- C) Ноанъанавий, анъанавий, мустаҳкамлаш;
- D) Аралаш, маъруза, масофавий, назарий;
- E) Назарий, амалий, мустаҳкамлаш.

27. Мотив нима?

- A) Эҳтиёжни қондиришга мойил предмет;
- B) Англинмаган хатти-ҳаракат истаги, ҳаракатнинг айрим қисмлари;
- C) Узоқ мақсадлар билан боғлиқ бўлмаган бирон мақсад;
- D) Англинган ёки англинмаган иш ҳаракат бўлиб, бирон эҳтиёжнинг субъектив ифодасини билдиради;
- E) Ниҳоятда аниқ, тез ва мақсадга мувофиқ тарзда ўз-ўзидан бажариш даражасини ифодалайди.

28. Мулоқот нима?

- A) Шахснинг муҳим эҳтиёжи;
- B) Киши турмуш тарзининг фаолиятидан кам бўлмаган бир томони;
- C) Кишининг бошқа одамлар билан ўзаро муносабатда бўлиш шакли;
- D) Икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг ахборот алмашишдаги ўзаро таъсиридир;
- E) Эҳтиёжни қондиришга кишининг бошқа одамлар билан ўзаро муносабати;

29. Адаптация нима?

- А) Сезги аъзоларининг кўзғовчиларга мослашишидир;
- В) Кўзғовчи таъсири остида сезгиларнинг ўзгариши;
- С) Кучли кўзғовчилар таъсири остида сезгиларнинг заифлашиши;
- Д) Янги шароитларга кўникишни таъминловчи билим, кўникма ва малакалар;
- Е) Кучли кўзғовчилар таъсири остида сезгиларнинг ошиши.

30. Темперамент нима?

- А) Психологиянинг таркибий қисми бўлиб, ҳаракатнинг айрим қисмларини нихоятда аниқ бажарилиши;
- В) Теварак атрофдаги одамларга ва ҳаёт шароитига бўлган муносабатларининг якка хусусиятлари намоён бўлади;
- С) Одамнинг индивидуал психологик хусусиятларидан бўлиб, унинг хаяжонларида, эмоционал таассуротларида, мувозанатлилигида ва психик фаолиятининг тезлигида намоён бўлади;
- Д) Одамнинг индивидуал психологик хусусиятларидан бўлиб, унинг жонлилиги ва чакқонлигида намоён бўлади;
- Е) Ҳаракатнинг тез ва мақсадга мувофиқ тарзда ўз-ўзидан бажариш қобилиятини ифодалайди.

## Глоссарий

1. OSCE – Объектив структуралашган клиник имтихон.
2. Музокара - Аниқ охиригача тинглаб, икки томонлама фикр алмашилиш.
3. Иш ўйинлари - Профессионал фаолиятининг фан мазмунини тиклаш ва муносабатлар тизимини моделлаштириш шакли.
4. Кейс – стади - Конкрет вазият, тўплам, ўқитиш.
5. ЭССЕ - Авторнинг индивидуал позицияси ёрдамида эркин баён қилиш.
6. Реферат - Бир ёки бир нечта манбалардаги маъно мавқураларни қисқа ёзилиши.
7. Мустақил иш – талабаларни репродуктив, продуктив фаолияти билимларини ўзлаштириш ва қўллаш мақсадида хар ҳил топшириқларни бажарилиши.
8. Методик тавсиянома – амалий (семинар) ва бошқа дарсларни кетма кетлик босқичларини ёзилиши.
9. Вазият масала – маълум шароитларда топширилган мақсад.

10. Технология – маълум бир ишда, махоратда қўлланиладиган услубларнинг мажмуаси.
11. Педагогик технология – таълимнинг режалаштирилган натижалари ютуқларининг жараёларини таърифлаш.